

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24 Haqiqat online haqiqatonline_

Ватан учун, миллат учун, халқ учун!



▼ Амалий ташриф

САМАРАЛИ УЧРАШУВЛАР, МАНФААТЛИ МУЛОҚОТЛАР

Аввал хабар берганимиздек, Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев бошчилигидаги делегация вакиллари Германия Федератив Республикасидаги учрашув ва музокараларни якунлаб, Венгрия Республикасига жўнаб кетишди.

Мамлакат пойтахти Будапешт шаҳрида ҳукумат аъзолари, ишбилармон доиралар, фан ва таълим соҳаси вакиллари билан учрашувлар ўтказилди.

Мулоқотларда ҳар икки давлат етакчиларининг ўзаро дўстлик, ҳамкорликни янги bosqichga kўтарган ва тобора мустақамланиб бораётган оқилона, муштарак сиёсати, олий даражадаги учрашувларда эришилган келишувлар халқларимиз фаровонлигига катта ҳисса қўшаётгани алоҳида таъкидланди.

Зойир Мирзаев шаҳар маъмурияти биносида ҳудудий Кенгаш (ассамблея) президенти Истван Сзабó, ижро ҳукумати комиссари Ричárd Тарнаи билан музокара ўтказди.

Томонлар ҳудудларнинг савдо-иқтисодий, туризм ва инвестициявий салоҳияти, бизнес муҳити борасида тақдимотлар билан танишдилар.

Зойир Мирзаев Пешт шаҳри ассамблеяси президенти Истван Сзабóни Тошкент вилоятига тақлиф этди.

Маълумот учун, Венгрия Республикаси пойтахти тарихан Буда ва Пешт маъмуриятига ажралади. Дунай дарёси бўйларидagi сўлим Пешт шаҳри пойтахтнинг шарқий қисмини эгаллайди.

Тошкент вилояти ҳоқимлиги
Ахборот хизмати



ҲАЙРАТЛАР МАНЗИЛИ БЎЙЛАБ САЁҲАТ

▼ Ҳамкорлик

Олмалик кон-металлургия комбинати ишчи-ҳодимларининг билим ва малакасини оширишда ўқитишнинг замонавий шакли, услуб ва талабларини жорий этиш мақсадида дунёнинг энг илғор университетлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.



▼ Milliy anjuman

IJTIMOIY FAOLLIK – BOSH MEZON



Chirchiq shahrida Oila va xotinqizlar qo'mitasi tashabbusi bilan "5 yillik sarhisob: iqtisodiy mustaqillikdan ijtimoiy faollik sari" mavzusida milliy anjuman bo'lib o'tdi.



Viloyat bo'ylab

"CHIRCHIQ" kimyo-industrial texnoparkiga Belarus Respublikasi elchixonasi va Rossiya Federatsiyasining O'zbekistondagi Savdo vakolatxonasi delegatsiyasi tashrif buyurdi. Samimiy muloqotlar asosida mehmonlar texnopark faoliyatining asosiy yo'nalishlari, zamonaviy infratuzilma va ishlab chiqarish quvvatlari bilan tanishishdi.

BO'KA tumani hokimi B.Begmatov mas'ullar bilan birgalikda "Buka Richland International" mas'uliyati cheklangan jamiyatida amalga oshirilayotgan ishlar va korxonalar faoliyati bilan yaqindan tanishdi. Jarayonda yangi loyihalarni amalga oshirishda uchraydigan muammolarni o'z vaqtida bartaraf etish, tumanning eksport salohiyatini yanada kuchaytirish bo'yicha zarur choralar ko'rilishi ta'kidlandi.

OHANGARON shahriining "Yoshlik" mahallasida nuroniylar va yoshlar o'rtasida shahka, shaxmat musobaqalari tashkil etildi. Mahalla yoshlari va faxriylarning bo'sh vaqtini mazmunli o'tkazish, yoshlar orasida intellektual o'yinlarni targ'ib qilish maqsadida tashkil etilgan tadbir avlodlar o'rtasidagi munosabatlarni yanada mustahkamladi.

O'RTA CHIRCHIQ tumani hokimi I.Kasimov "Uyg'ur" mahallasida "Cyentral Asia Construction" MCHJ qurilish korxonasi tomonidan zamonaviy talablar asosida barpo etilayotgan Favqulodda vaziyatlar bo'limi ma'muriy binosini borib ko'rdi. Mas'ullarga bino va unga tutash hududni obodonlashtirish, qurilishni yakunlash bo'yicha topshiriqlar berdi.

BEKOBOD shahriining "Paxtakor" mahallasida xonadonbay yurib, aholining tomorqadan unumli foydalanish holati o'rganildi. Aholi bilan yuzma-yuz muloqotda tomorqa yuritish, ekin turlari, hosildorlik darajasi va mavjud imkoniyatlar muhokama qilindi.

▼ Akция

ҲАР КИМ ЎЗ ЮРТИДА БЕКДИР



Халқимизда ажойиб нақл бор: "Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тош-тарозу". Тирикчилик дардида чет элларда ишлаб юрганларнинг аксарияти бу гапнинг маъносини аллақачон англашган. Тўғри, мигрантлар орасида касбий малакаси юқори, хорижий тилни мукамал билиб яхши даромад топаётганлари ҳам бор. Аммо ночор аҳволда қийналиб қолаётганлар ҳам оз эмас.

Мана шундай юртдошларимизга кўмаклашиш мақсадида Миграция агентлиги, Ташқи ишлар, Бандлик вазириликлари, Оила ва хотин-қизлар кўмитаси ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда жорий йилнинг 30 июлидан 30 августигача "Ватанга қайтариш" хайрия акцияси ўтказилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада) ►

IJTIMOYIY FAOLLIK – BOSH MEZON



Unda viloyatning turli hududlaridan "Ayollar daftari"ga kiritilgan va hozirda muvaffaqiyatga erishgan xotin-qizlar ishtirok etishdi. Ularning tajribasi asosida "Yetakchi ayollar" klubi tashkil etildi.

Anjumanda Bosh vazir o'rinbosari – Oila va xotin-qizlar qo'mitasi raisi Zulayho Mahkamova, viloyat hokimi o'rinbosari Nilufar Normirzayeva so'zga chiqib, xotin-qizlarni qo'llab-quvvatlash borasidagi ustuvor yo'nalishlar, amaliy natijalar

(Davomi. Boshlanishi 1-sahifada)

va kelgusi rejalari haqida so'z yuritishdi.

Shu kuni "Migratsiyaga ketgan ota-onalarning ijtimoiy ahvoli va ularning farzandlari ta'lim-tarbiyasi bilan bog'liq muammolar tahlihi" mavzusida ham seminar tashkil etildi.

Unda xorijda mehnat qilayotgan ota-onalarning farzandlari taqdiri, ularning ta'lim-tarbiyasi va ijtimoiy himoyasini kuchaytirish bo'yicha mavjud muammolar o'rganilib, barta'raf etish choralari izlandi.

O'z muxbirimiz

Семинар

Тошкент туманида Олий суд таъаббуси билан "Оилавий (маиший) зўравонлик, шахвоний шилқимлик билан боғлиқ жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини

олиш бўйича амалга оширилган ишлар, мавжуд муаммолар ва ularning ечимлари ҳамда келгусидаги вазибалар" мавзусида семинар ташкил этилди.

ҚОНУНГА СУЯНГАН ЖАБР ЧЕКМАЙДИ

Тадбирда судьялар, прокуратура ва ички ишлар органлари ходимлари, Оила ва хотин-қизлар бошқармаси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Таъкидланганидек, бу борада 2023 йил 11 апрелда қабул қилинган



моя ордерлари қўлланилиши борасидаги муаммоларга тўхталар экан, 2024 йил давомида вилоятимизнинг 22 та туман (шаҳар) судларига ҳимоя ордери амал қилиш муддатини узайтириш бўйича бор-йўғи битта илтимоснома келиб тушгани, жорий йилнинг 7 ойида эса 7 та илтимоснома кўриб чиқилганини қайд этди. Унинг сўзларига

"Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун муҳим аҳамият касб этди.

Қонунга мувофиқ, Жиноят кодексининг айрим моддаларига оилавий зўравонлик, шахвоний шаъни ва қадр-қимматини камситувчи маълумотларни тарқатиш, шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга оилавий зўравонлик, шахвоний шилқимлик қилиш каби муҳим нормалар киритилди.

Семинарда сўз олган вилоят суди raisi У.Расулбердиев ҳи-

қўра, бу кўрсаткичлар муаммога етарлича эътибор қаратилмаётганидан далолат беради.

Тадбирда, шунингдек, ажримлар билан боғлиқ таҳлиллар ҳам кўриб чиқилди. Жумладан, 1 йилдан 5 йилгача бўлган турмуш давомидаги оилалар ўртасида ажримлар 30 фоизни, 30 ёшгача турмуш қурганлар орасида эса қарийб 50 фоизни ташкил этаётгани маълум қилинди.

Семинар якунида мазкур соҳадаги қонунларни амалиётга тулиқ татбиқ этиш, профилактик ишлар самардорлигини ошириш ва мутасадди идоралар ўртасида ҳамкорликни янада кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Ўз мухбиримиз

ЙЎЛ ҚОИДАСИ: ҲАРАКАТ ВА ҲАЁТ ХАВФСИЗЛИГИ



Маълумки, юртимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, тирбандликларни камайтириш ва фуқароларнинг ҳаёти ҳамда соғлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу мақсадда вилоят Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи, полковник Абдувосит Абдуразаков раҳбарлигида таҳлилий тақдимот йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Президентимиз раҳбарлигида жорий йил 9 июль кўни ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазибалар ижроси муҳокама қилинди.

Тақдимотда вилоят ҳудудида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисалари таҳлил қилиниб, уларнинг сабаблари, жойлар географияси, иштирокчи тоифалар ҳамда жабрланувчилар ҳақида аниқ маълумотлар берилди. Айниқса, пиёдалар иштирокидаги ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида қўшимча чора-тадбирлар белгилангани қайд этилди.

Шунингдек, йўл ҳаракати хавфли деб топилган кесимчаларда светофорлар ва йўл белгилари янгилашгани, пиёдалар ўтиш жойлари аниқ белгилаб чиқилгани ва қўшимча ёритиш воситалари ўрнатилгани таъкидланди.

Бундан ташқари, сунъий интеллект асосида бошқариладиган "ақлли" светофорлар ва видеокузатув камералари орқали ҳаракат оқимини тартибга солиш борасидаги ишлар ҳақида ҳам маълум

мот берилди. Бундай замонавий тизим ҳозирда синов тарихида Нурафшон шаҳри марказидаги автомобиль йўлида жорий қилинган бўлиб, кечки ва тунги вақтларда пиёдалар йўлга чиққан заҳоти ҳайдовчиларга "Диққат, пиёда!" ёзуви орқали огоҳлантириш берилади. Шунингдек, махсус прожекторлар ёқилиб, йўл устида белгилар ёритилади ва пиёдалар ўтиш жойлари янада аниқ кўринади. Бу ҳайдовчиларнинг ҳушёрлигини оширишга ва пиёдаларга қулайлик яратишга хизмат қилмоқда.

Йиғилишда келгусида амалга оширилиши режалаштирилган қатор вазибалар ҳам муҳокама қилинди.

Хусусан, транспорт оқимини таҳлил қилиш, йўл тармоқларини рақамли бошқарув тизимларига улаш, жамоат транспорти ҳаракатини оптималлаштириш ва тирбандликларни камайтиришга қаратилган янги лойиҳалар тақдим этилди.

Яқунда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш устувор вазифа экани таъкидланиб, бу борадаги ишлар тизимли ва изчил давом эттирилиши маълум қилинди.

Нигора ЭРКИНБЕКОВА

ҲАР КИМ ЎЗ ЮРТИДА БЕКДИР



– Бутунжаҳон одам савдосига қарши кураш кўни муносабати билан ташкил этилган акциядан мақсад хориж давлатларида оғир шароитда қолган Ўзбекистон фуқароларини Ватанга қайтариш ва уларни самарали реинтеграция қилишдир, – дейди Миграция агентлиги Тошкент вилояти филиали бош мутахассиси Жасур Нурматов. – Бунинг учун, аввало, хорижда қийинчиликка дуч келаётган фуқаролар рўйхати шакллантирилмоқда. Ҳозирга қадар Янгиёул, Ангрэн, Чирчиқ шаҳарлари ҳамда Янгиёул ва Оққўрғон туманларида манзилли ўрганишлар олиб борилди. Шунингдек, аҳолига чет элларда оғир вазиятга тушиб қолган фуқаролар Миграция агентлигининг хориждаги ваколатхоналари, Ўзбекистон Республикасининг консуллик идоралари ёки қисқа рақамли ишонч телефонларига мурожаат қилишлари мумкинлиги тушунтирилмоқда. Акция доирасида биринчи навбатда Туркия, Россия, Қозоғистон, БАА, Саудия Арабистон

ни, Ҳиндистон, АҚШ ва Жанубий Корейдаги депортация марказларида сақланаётган аёллар ва болаларни ортага қайтариш режалаштирилган. Таъкидлаш лозимки, эндиликда мамлакатимизнинг хориждаги ваколатхоналари ҳамда фуқаролар ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилмоқда. Авваллари бирор фуқаро консуллик идораларига мурожаат қилса, муаммосини ҳал қилиш узоқ муддат талаб этар, баъзан ҳал бўлмаётган қолган қатарда. Бугун эса Миграция агентлигига қилинган ҳар бир мурожаат қисқа муддатда ўрганилиб, Ватанга қайтмоқчи бўлганлар 2 кун муддатда чипта билан таъминланмоқда.

Энг муҳими, улар юртга қайтган, ўз ҳолига ташлаб қўйилмапти. Маҳаллий ҳокимликлар, Бандлик вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар қўмиталари уларнинг руҳий, ижтимоий ва иқтисодий мослашишлари кўмак беришмоқда.

Бу бўйича жойларда тарғиботлар давом этмоқда.

(Davomi. Boshlanishi 1-sahifada)

Ўз мухбиримиз

Иш билганга – минг танга

Дунёда глобал иқлим ўзгариши оқибатида сув ресурсларига бўлган эҳтиёж йилдан-йилга ортмоқда. Бу ҳолат, айниқса, қишлоқ хўжалигида сувдан оқилона ва тежамли фойдаланиш зарурлигини янада оширмоқда.

Сугориладиган ерларда етиштириладиган экинлар учун замонавий, тежамкор технологияларни қўллаш нафақат сув сарфини камайтиради, балки юқори ҳосил олиш имконини ҳам яратади.

ТОМЧИЛАРДАН ТОННАЛАР САРИ

Бу борада Бўка туманида олиб борилган амалий ишлар ҳам эътиборга молик. Тумандаги 355 та фермер хўжалигидан 27 тасида эгилувчан қувурлар, 52 тасида томчилатиб сугориш технологияси жорий этилган.

Масалан, туманининг "Мустақил Ўзбекистон" ҳудудида жойлашган "Одил Хосият" фермер хўжалигида жорий йилда замонавий технологиялардан оқилона фойдаланган ҳолда 50 гектар майдонда ғалла, 47 гектарда пахта етиштирилди. Экинзорларга сув тежамкор насослар ва 100 миллион сўмдан орттиқ харажати тезаб қилиш имконини беради.

Излаган имкон, излаган баҳона қидиради, деганларича бор. Аҳрор Душабоев ишнинг кўзини биладиган тадбиркорлардан. Келгуси йилдан пахта майдонлари тулиқ томчилатиб сугорилади.



Ҳосилни эса 50 центнерга етказиш кўзда тутилган. Айни пайтда хўжаликнинг 50 нафарга яқин ишчиси бор. Улар орасида тажрибали деҳқонлар кўп. Эътиборлиси, хўжалик тулиқ замонавий техникалар билан таъминланган. "Саркор" фермер хўжалиги раҳбари Шерали Ражабов ҳам илғор технологиялар тарафдори.



Унинг таъкидлашича, 117 гектар ер майдонининг 51 гектарида пахта етиштирилмоқда, шундан 18 гектарида томчилатиб сугориш усули жорий этилган. Кейинги йилда яна 20 гектар майдонда шундай технология ўрнатиш режалаштирилган. – Техникага суюнсанг оғиринг енгил бўлавераркан, – дейди фермер.

Нигора ЎРОЛОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири Муаллиф олеан суратлар



ҲАЙРАТЛАР МАНЗИЛИ БЎЙЛАБ САЁҲАТ

Шундай келишувлар доирасида Япониянинг халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) томонидан қончилик саноатида амалга оширилаётган дастурлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг тегишли фармойишига асосан Япониянинг Акита университети талабалари ҳамда профессор-ўқитувчиларидан иборат делегация аъзолари "Металлур" маданият саройида жой-

жараёни бизда катта таассурот қолдирди, – дейди Акита университети профессори Атуши Шибаяма. – Келгусида янги лойиҳалар ҳамда ташаббуслар доирасида ўзаро алоқаларни давом эттириш истагидамиз. Ҳамкорликнинг кейинги босқичларида талабалар учун барча шароитларга эга, юқори даражадаги таълим муҳитини яратиш, шу билан бирга, ишлаб чиқариш соҳасида ҳам шериклик қилиш ниятимиз бор.



лашган музейларни кўздан кечириб, комбинат тарихига оид маълумотларга эга бўлишди. Меҳмонларга ОКМК таркибий бўлинмалари ва ишлаб чиқариш жараёнлари тулиқ акс этган видеофильм намойиш этилди.

Шунингдек, меҳмонлар "Қалмоққир" ва "Ёшлик 1" конларида ҳам бўлиб, қишлоқ ишлари билан танишишди.

– Комбинатнинг ишлаб чиқариш салоҳияти ва конлардан маъдан қазиб олиш

(Davomi. Boshlanishi 1-sahifada)

ОКМКга икки йил аввал ҳам келган эдик. Ҳозир эса улкан ўзгариш ва юксалишларнинг гувоҳи бўлдик.

Ташир доирасида делегация аъзолари 2-Мис бойитиш фабрикасида ҳам бўлиб, технологик жараёнларни кўздан кечиришди. Меҳмон талабалар учун ўтказилган саноат экскурсияси сўнггида комбинат мутахассислари иштирокида дара сўхбати ташкил этилди. Унда талабалар ўзларини қизқирган саволларга батафсил жавоб олишди.

Абдулазиз МУСАЕВ

▼ Тошкентлик жадидлар ҳақида ҳикоялар

XX аср бошларида жадидчилик ҳаракати кўплаб буюқ сулолаларнинг фаолиятини юзага чиқарди. Биринчи жадид муаллимлардан — маърифатчи А.Авлоний, Туркистон халқ университетини ташкил қилишда жонбозлик кўрсатган Мунавварқори Абдурашидхонов, ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий, ака-ука Шокиржон ва Собиржон Раҳимий, Мирмулла ва Мирмуҳсин Шермуҳаммедов каби боболаримиз томонидан 1913 йилда “Турон” кутубхонаси ташкил қилинган.

КУТУБХОНА КАМИНИ ТЎЛДИРГАН Камий



Бугун ушбу зиё масканининг ташкилотчиларидан яна бири, шоир Мавлоно Камий ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. Яқингача унинг кутубхона ташкил этилишида қатнашгани ҳақида аниқ маълумотлар кам эди. Лекин асли тошкентлик маърифатпарвар Камийнинг бундай масканнинг ташкил қилинишига аралашмаслиги асло мумкин эмас эди. Қолаверса, шоир ўқиган Бекларбеги мадрасаси ҳам кутубхонага бир қадам бўлган.

Маълумотларда келтирилишича, филолог олим Муҳсин Зокиров кутубхонага тез-тез келиб турарди. У киши бир кун Мавлоно Камий тўғрисида мақола кўтариб келади. Мақолада шундай сўзларни ўқиймиз: “Хусусан, “Турон” кутубхонаси устозининг (Камийнинг — муаллиф) саъй-ҳаракати билан бунёд бўлган. Кутубхона атрофида Хислат, Мискин, Мўмин Қодир, Сидқий Хондайлик қи каби ижодкорлар жалб қилиниб, замон таронасида ғазаллар битилиб, алоҳида адабий варақалар чоп этиш ташкил этилган. 1918-1922 йиллар мобайнидаги бир неча ашъорий варақалар эсимда”, деб ёзди муаллиф.

1943 йилда Абу Райхон Бериуний номидаги Шарқшунослик институти ташкил қилиниши муносабати билан “Турон”даги 13 мингдан ортиқ кўләма ва нодир китоблар шу институтга берилган.

Мен “Турон” кутубхонасига ишга кирган йилим шу ерда узоқ йиллардан бери фаолият юритадиган Тўхта ака Содиқовнинг олдига институт захматкашларидан бири Абдулла Носиров тез-тез келиб турарди. У киши “Турон”да 20-30-йилларда араб ва лотин имлосида нашр этилган журнал ва газеталар тахтамларини ўз қўллари билан тўплаб қўйганлари ҳақида

кўп гапирарди. Шу тўпламлар ҳозирги кунгача етиб келган. А.Носиров Мавлоно Камий ҳақида ҳам гапириб, унинг адабий варақалари Шарқшунослик институтида сақланишини таъкидлар эди.

Академик Наим Каримов эса “Турон” кутубхонасининг 75 йиллиги муносабати билан ёзган мақолада Камий ўз шахсий китоблари билан кутубхона фондиди бойитганини қайд этган. Бугунги кунда Шарқшунослик институти фондида -7710 рақам билан сақланган Камий баёзи бу сўзларнинг исботидир. Баёзнинг биринчи ва охириги саҳифаларида “Турон” кутубхонасининг араб ёзувидаги муҳри турибди. Биринчи бобидаги муҳр ичида шундай ёзув бор: “Марказий “Турон” кутубхонасининг №-625 инвентар номери -688 Ал-маскан шаҳри Тошкент”. Маълумот берилишича, дастлаб кутубхона фондида 4 мингта китоб бўлган. Шундан 625 таси Камийнинг баёзи ҳисобланади.

Мавлоно Камий таваллудининг 130 йиллиги муносабати билан “Турон”да ўтказилган тадбирда юртимизнинг машҳур адабиётшунослари Умарали Норматов, Баҳодир Карим ва бошқалар мазкур кутубхонанинг ташкил қилиниши ва китоб жамғармасининг бойитилишида унинг муносиб ўрни борлиги ҳақида айтиб ўтишган эди.

Биз маърифатпарвар жадид боболаримизнинг шундай масканни барпо этишдаги жонбозликлари ва уни китоблар билан тўлдириб, элни биллимли қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини қадрлашимиз ҳамда барчага ибрат қилиб кўрсатишдан тўхтамаслигимиз лозим.

Вазира СОБИРОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

“РИМГА АЛИШМАСМАН ҚОҚИ ДАЛАНГНИ...”

Ёки италияликларнинг янгийўллик деҳқонлар билан ҳамкорлигига доир яхши хабар

Аваллари бир латифа бўлар эди. Тошкентдан Ленинградга учиб кетаётган самолёт нажарим йўлга етганда иккита бандит стюардессани гаровга олиб, учувчилар олдига кириб борибди ва улардан самолётни Туркияга буришни талаб қилибди. Учувчилар уларнинг айтганини бажаришга мажбур бўлибди. Салонда ғала-ғовур бошланибди. Йўловчилар орасида Абдурайим қассоб ҳам бор экан. Қий-чувдан уйғониб кетган полвон бундоқ қараса, башарасига ниқоб ўраган икки зумраша учувчилар тепасида турганмиш. Ёнидаги йўловчилар қассобга бўлган воқеани тушунтиришибди. Абдурайим полвон катта бўқаларни шартта силтаб ағдариб юрган одам эмасми, ҳалигиларга бир муштан туширган экан, қўлидаги тўппончалари учиб кетиб, само лочини яна йўналиш бўйича уча бошлаган экан.

Шундан кейин ҳамма полвонни олиқлай кетибди. Ундан: “Ўз ҳаётингизни хавф остига қўйиб, бундай қаҳрамонлик қилишга нима мажбур қилди?” деб сўраганида, “Ҳеч нарса мажбур қилгани йўқ. Багажда 20 қоробка помидор қоқи олиб кетаётвудим. Биласизми, улар Ленинград бозорида қанчалигини? Туркияга бориб қолсам, шунча қоқини кимга сотаман?” деган экан...

Тўғри, бу бир латифа. Аммо шўро даврида бола-чақасини боқиб учун йил — ўн икки ой дала-



да меҳнат қилиб, косаси оқармаган деҳқонларимиз торган машаққатлар латифа эмас. Колхоз раисю, бригадирларга ялиниб-ёлвориб бир парча ер олгач, сабзавотлар экиб, уларни сотиш учун шаҳар бозорларида сарсон бўлганларни кўрганмиз.

Гоҳо ўйлаб қолсан, ўша пайтларда кимдир келиб, “Э, деҳқон бува, шундай даврлар келади, Тошкент бозорларининг олибсотарлари ёки Россияга қатнайдиغانлар у ёқда турсин, ҳатто европаликлар ҳам помидорингизни даланинг ўзидан сотиб олишади”, деса ишончсизармиди? Йўқ, албатта. Лекин, мана, йиллар ўтиб деҳқонларимиз кўкраниб кериб юрадиган замонларга ҳам етиб келдик.

Яқинда Янгийўлдан яхши хабар олдик. Жорий йилнинг март ойида Италиянинг “Areafredda srl” корхо-

наси раҳбари Н. Ометто бошчилигидаги мутахассислар тумандаги деҳқон ва етакчи тадбиркорлар билан помидор қоқиси тайёрлаш бўйича музокара олиб боришган эди. Ниҳоят, ўша корхона билан ҳамкорлик шартномаси имзоланибди.

Лойиҳани амалга ошириш мақсадида италиялик мутахассислар билан биргаликда республикамизнинг Янгийўл, Хўжаобод, Қамати, Ғузур ва Булунғур туманларидаги бўш турган ер майдонларидан жой танлаб олинди. Худудлар ўрганилиб, ҳисоб-китоблар қилинди.

Дастлаб, намуна сифатида Янгийўл туманининг “Янгийўл” маҳалласи худудидаги “Шуралисой — Агро” фермер хўжалигига қарашли 2 гектардан иборат ер майдонига помидор қоқи қуритиш сулопарни тайёр-


ланди. Италиялик мутахассислар кўрсатмаси асосида синов учун 130 тонна помидор кесиб, ёйиб қўйилди. Ҳозирда тайёр ҳолатта келтирилган 4,5 тонна қоқи музхона омборларида сақланмоқда.

Мавсум якунига қадар 2 минг 300 тонна помидорни табиий усулда қуритиш ва 200 тоннадан ортиқ қоқини Италияга экспорт қилиш режалаштирилган.

Ҳа, ҳўп замонлар келди-да... Бир пайтлар сеvimли шоиримиз Муҳаммад Юсуф “Римни алишмасман бедарпоянга...” деган сатрлар билан юртимизга таъриф берган эди. Бугун эса Римдан келган ишбилармонлар янгийўллик деҳқонларимизнинг ғайрат-шижоатига тан берилмоқда.

Тўхтамурад ҲАСАНБОВ, “Тошкент ҳақиқати” муҳбири

▼ Мана гап



* Кексаларни узоқ умр кўрганлиги учунгина эмас, ҳаёт синовларига узоқ бардош бергани учун ҳам ҳурмат қилмоқ керак.

* Яхшигаям, ёмонгаям бирдек яхши кўришишга уринадиган одам энг хавфли одамдир.

* Сартарошни сувоқчи қилиб қўйсангиз, деворга совун кўпили суртади. Этикдўзни сартарош қилсангиз, одамни бошига мих қоқади...

* Эрталаб турганингизда, кундузи юрганингизда, кечаси ўхлаганингизда ҳеч қаерингиз оғримаса, шунинг ўзи бахт!

* Дунёда меҳрдан арзон нарса йўқ. Бир оғиз ширин сўз, бир чимдим меҳр кимни ўлдирибди! Биз эса шуни ҳам бир-биримиздан аямимиз.

* Мушук ўзи итдан қочиб дарахтга чиқади-ю, яна дарахтдаги қушларга дағ-дағ қилади...

* Инсоннинг баҳоси бу дунёда ўзи олгани билан эмас, ўзидан қолгани билан белгиланади.

Ўткир ҲОШИМОВ

▼ Жиноятга жазо муқаррар

“ГАШИШ ВА ТАШИШ” ОПЕРАЦИЯСИ

Дунёда қулиш ё жилмайишни билмайдиган одам бўлмаса керак. Шунга қарамай, одамлар худди юриш ва гапиргани ўрганиши каби қулишдан ҳам сабоқ оладилар. Қулгу тўғрисидаги бу фан “геология” деб аталади.

Афсуски, дунёда яна бир “фан” бор бўлиб, у “гиёҳология” деб аталади. Қуйидаги “комедик-трагедик” маълумотларимиз шу “фан” ривожини йўлида эл-юртга билдирмай (камтарлиқни қаран!) “фаолият юритаётган” одамнусахалар ҳақида.

А.С. 2007 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Ҳозирги кунда Қўрай туманида яшайди. Муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз. Балки шунинг учунми, озроқ “соққа” ишлаб олишни тақлиф қилишганда, йўқ деёлмади.

— Бу нималигини билсанми? — дейишди дастлабки учрашувида унинг янги “акахонлари” бир нарсани кўрсатиб.

Бола елка киди. — Кароче, братишка, шуни биз айтган жойга, биз айтган одамга етказиб турасан ва “соққангни” оварасан, тушундингми?

Хуллас, “акахонлар” унга “гашиш ва ташиш” операциясини кўча тилида яхшилаб тушунтириб қўйишди.

А.С.га бу тақлиф ва дастлабки “сабоқ” ёддек ёқди. Пулга зор юрганида 300 минг сўм бўлсаям ҳарна-да, биров берармиди, деган ўй билан дарров ишга киришди.

Аммо ўғриниям, тўғриниям ишида уқув бўлмаса қийин экан денг, тажрибасизлиги биринчи қадамдаёқ ёш

ийгитга панд берди. Пойтахтнинг Мирзо Улугбек туманида уни қарши олиши керак бўлган “шартли харишларимиз шу “фан” ривожини йўлида эл-юртга билдирмай (камтарлиқни қаран!) “фаолият юритаётган” одамнусахалар ҳақида.

“Гашиш ва ташиш” операциясини охирига етказа олмаганлардан яна бири 2008 йилда туғилган, Тошкент шаҳри, Миробод туманида яшовчи Ж.Ш. бўлса, иккинчиси 1993 йилда туғилган, айна пайтда Бўстонлик туманида яшовчи А.Ж. деган шахс.

Хўп, қибрайлик А.С. ва мирободлик Ж.Ш.лар ёш билан бир-бирига ўшардан адашган дейлик. Лекин оқ-қорани танийдиган ёшдаги, муқаддам Жиноят кодексининг 276-моддаси билан судланган бўстонликлик А.Ж.нинг яна жиноят қўчасига киришини қандай тушуниш мумкин?

Юқорида “геология” ва “гиёҳология” деган “фан”лар ҳақида гапирган эдик. Афсуски, улар бир-бирига қўфиядош бўлса-да, икки хил вазифани бажаради: бири қулдиради, бири қуйдиради...

Тўхтамурад ҲАСАНБОВ

ЭНЕРГИЯНИ ТЕЖАШ — БУГУННИНГ МУҲИМ ТАЛАБИ

Хабарингиз бор, 2024 йил 7 августда давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Энергияни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш ва энергия самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Қонуни имзоланиб, уч ойдан сўнг қучга кирди.

▼ Қонун ва ҳаёт

Қонунга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси энергияни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш ва энергия самарадорлигини ошириш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди. Шунингдек, у ёқилғи-энергетика ресурсларини истеъмол қилиш нормаларини ишлаб чиқиш ва қайта қўриб чиқиш тартибини белгилайди.

Энергетика вазирлиги эса энергияни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш ва энергия самарадорлигини ошириш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи экани қатъий

белгиланиб, қуйидаги бир қатор вазифаларни амалга оширади:

Жумладан, давлат дастурлари ва бошқа дастурларни, стратегияларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ҳамда назорат қилиш, Бундан ташқари, энергияни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш ва энергия самарадорлигини ошириш соҳасидаги давлат ахборот тизимини юрилади.

Энергияни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш ва энергия самарадорлигини ошириш, шунингдек, энергия сифатининг норматив ҳужжатларда



белгиланган кўрсаткичларига риоя этилиши соҳасидаги давлат назорати “Ўзэнергоинспекция” ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари томонидан қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

Шу билан бирга, “Ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолчиларининг мажбурий энергия аудитини ўтказиш тар-

тиби тўғрисида”, “Био ва иншоотларнинг энергия истеъмоллини аудитдан ўтказиш тартиби тўғрисида”, “Ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолчиларининг мажбурий энергия аудитини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низомилар тасдиқланган бўлиб, уларда энергия аудитини ташкил этиш тартиби, энергия аудити турлари, истеъмол-


чиларнинг энергия аудитини ўтказиш босқичлари, энергия аудити натижалари бўйича тавсияларни бажармаганлик учун чоралар белгилаб қўйилган.

Мажбурий энергия аудити Давлат энергетика реестрига киритилган субъектларда бирламчи, даврий, навбатдан ташқари шаклда ва экспресс-энергия аудити шаклида ўтказилади. Даврий энергия аудити эса мажбурий тартибда беш йилда камидан бир марта ўтказилади.

Энергия аудити янги қурилаётган, мавжуд, функционал ўзгартирилган (қайта профилланган), реконструкция қилинган, капитал таъмирланган ва модернизация қилинган био ва иншоотларнинг энергетик паспортларини ишлаб чиқишда ҳамда энергияни тежашга қаратилган бошқа тадбирларни амалга оширишда ўтказилади.

Фикрат КАРИМЖОНОВ, “Ўзэнергоинспекция” Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи

Доим тоза виждон билан ёз ашъор



Asror MUMIN

Asror Mumin unlab шеърий, публицистик ва таржима китоблар муаллифи. Шоирнинг "Умид ва Орзу", "Анна ва Збигнев" дostonлари, "Расул Ҳамзатов", "Қуш тили" ва "Ҳазрат Навоий" драмалари эълон қилинган. У дунёга машхур Лев Толстойнинг "Ҳожиму-

род" қиссаси, Қайсин Қулиевнинг "Қиш эди..." романи, Расул Ҳамзатовнинг "Танланган асарлар" китоби, Роберт Рождественскийнинг "Шаҳидлар ёди" ва Давид Қуғултинскийнинг "Шоҳмотчи" дostonларини она тилимизга ўғирган.

Asror Mumin Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмаси аъзоси. "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист" фахрий унвони, "Шухрат" медаллари ва "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони билан мукофотланган.

Ватан манзумаси

Ватан юрагимда, ширин жонимда, Ватан томиримда оққан қонимда, Ватан ота-онам, уй-қўргонимда, Ватан изимдаги қиз-ўғлонимда.

Ватан осмонимга чиққан офтобда, Ватан ҳаёт берган ҳавою обда, Ватан аждодлардан мерос китобда, Ватан буюк халқимиз деган хитобда.

Ватан не намоевн кўз-қарогимда, Ватан бизга посбон азим тоғимда,

Ватан шигил мева туккан боғимда, Ватан ҳовлимдаги еул-яроғимда.

Ватан онамиздан симириган сунта, Ватан ғўдақлигим кечган муҳитда, Ватан одамлардан синган ўғимда, Ватан беадад шукр, сабр, умидда.

Ватан болаларнинг кулеуларига, Ватан кексапарнинг ёхуларига, Ватан пок дилларнинг туйғуларига, Ватан элимизнинг орзуларига.

Ватан бой тарихдир, унутма ҳечам, Ватан олдеа шахдам ташламоқ қадам, Ватан ор деб белбоғ боғламоқ маҳкам, Ватан юрт ишига жон тикмоқ ҳар дам.

Ватан биз ўзбекмиз деган даъватда, Ватан Темур бобом тузган давлатда, Ватан Ўзбекистон номли сарҳадда, Ватан мустақиллик берган неъматда!

Тул — бог файзи

У гул экан бу боғнинг рамзи, У гул кетган йўқолди файзи. Бу бог гули кўчди қай боққа, Булбули ҳам учди у боққа. Энди бу бог қолди ҳуеуллаб, Унда шамол кезар уеуллаб. Дарахтлари турар мунгайиб, Барги эрта тушар саргайиб. Шукр, у гул борган бог яшнар, Ҳаёт завқи кундан-кун жўшар. Гул қошида булбул сайрайди, Уни тинглаб шамол яйрайди. Дарахтлар жим солади куюк, Баргалар қарсақ чалади узоқ. Энди у гул шу боғнинг рамзи, Боқий бўлсин бу боғнинг файзи.

Ҳалимчақдаги орзу

Катта ҳалимчақда олганда ором, Болалик йилларим эсламан мудом. Ҳозир ҳалимчақка чўзилиб ётсам, Беланчақдай аста тебрата онам. Мен онам юзига термилсам интиқ, Бахт-ором бормикин бундан ҳам ортиқ. Бу нурли лаҳзадан ҳаприқар юрак, Ҳаёлимни бўлмайт тебран ҳалимчақ.

Ушр

Билмадим, у ёруғ дунёга келиб, Маъсум болалиқдан бошқа не кўрди? Гуё бир умрга бўлгандай кулиб, Улғайгач, ҳамиша мунгайиб юрди.

Бугун ўйлаб-ўйлаб тополмадим ҳеч, Унинг қай орзуси рўёбга чиқди? Энг оддий юмуши битди жуда кеч, Ва лекин ўлимга эрта ўйлиқди.

Ажал ғам келтирар. Қабри қошида Бош эғиб турибди яқин-йироғи. Фақат не ўйлар бор уллар бошида? Билганим шу: учди унинг чироғи.

Афсус, унинг умри топди жўн яқун: Тугилди, яшади, кетди бенишон. Эй Asror, сенга ҳам ганимат ҳар кун, Умингани беҳуда ўтказма бир он.

Энг катта бахт

Кўнгли ҳозир ҳақдин ўзгани дема, Неларни йўқотдим, неларни топдим? Йўқотганини қоплай олмас ҳеч нима, Топганларим билан неларни ёлдим?

Қани посбон отам, меҳрибон онам? Қани кўздай қўшни, дўсти қадрдон?.. Уларни эсласам дилда ошар ғам, Улар бир-бир кетди ўрни бўш ҳамон.

Кечагина маъсум бир бола эдим, Мени чинқирди меҳнат ва ижод. Сабр қилиб қанча ташвишни енгим, Танг қолсам, Оллоҳдан сўрадим имдо.

Тул ёздим, ёнимда ўғил ва қизим, Топдим қанча янги таниши, ҳамсуҳбат. Бирок, беҳаловат сезаман ўзим, Ўтган йилларимни кўнсайман фақат.

Шукр, ҳаётимда кўп нарса топдим, Афсус, йўқотишлар ҳам бўлмади оз. Гоҳ ўткинчи ҳавас кетидан чопдим, Гоҳ бахтга вақтида чиқмадим пешевоз.

Ҳеч нарса ўзармас энди солмай дод, Йўқотган нарсалар бари йўқолди. Энг катта бахт шу: мен ҳаётиман-ҳаёт, Топган нарсаларим ёнимда қолди.

Навоий чўққиси

Тоққа тирмашганлар яхши билади, Чиққан сари чиққин келар баландроқ. Ким фикр қилса, аввал шукр қилади, Сўнг ўзига танлар энг маъқул сўқмоқ.

Чорлаб чақирмасин баландда қоя, Оқил ўз кучига беради баҳо. Деллар: ким ўзини қилса ҳимоя, Уни ҳар қадамда асрайди Худо.

Шундай қояғирни Оллоҳ қўллаиди, Бир-бир кўтарилиб чўққига чиқар. Чўққига тиз чўкиб салом йўллаиди, У таратган нурга олам йўғрилар.

Билинг, шеърият ҳам чўққига ўхшар, Қоялар ортида кўринар қоя. Қаламкашлар ашъор ишқиди жўшар, Уларга тошлар ҳам сўзлар ҳикоя.

Шоир аҳли билар, шеъриятда бор, Алишер Навоий номли чўққиси. Уни забт эттишга уриниш бекор, Лекин шоир борки, келар чиққиси.

Ким ўзар пойға қўшилма зинҳор, Бирок, маёғ бўлсин сенга шу чўққи. Доим тоза виждон билан ёз ашъор, Қолган вақтда Ҳазрат асарин ўқи.

Сизни соғинганда...

Сизни соғинганда учратиш учун, Кўчангизда ичдан кезаман бузлаб. Ажаб, ёқимли туш кўрибман бу туш, Мен сизни тушимда юрибман излаб.

Сизни излар эдим доим ўнгимда, Соғинчиларим тўлиб тошимни кўнғимда, Сизни излаётган энди тушимда, Сизни излаганим камми ҳушимда?!

▼ Хотира

Ўрта Чирчиқ туманида юртимиз қишлоқ хўжалиги ривожига катта ҳисса қўшган, икки қарра Меҳнат Қаҳрамони Ким Пен Хва таваллудининг 120 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.



ИККИ ҚАРРА ҚАҲРАМОН

Унда Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Факултети ва мухтор элчиси Вон До Ён, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Виктор Пак, вилоят ва туман ҳокимликлари

маданий маркази вакиллари, маҳаллий аҳоли ҳамда талаба-ёшлар иштирок этишди. Таъкидланганидек, Ким Пен Хва 1937 йилдан 1974 йилгача "Полярная звезда" колхозига раҳбарлик қилган ва пахта, шоли, каноп ҳамда бошқа экинлардан юкори ҳосил олишда катта ютуқларга эришган.

У "Пахтадан мўл ҳосил етиштириш тажрибаси", "Маъмурчилик йўлида" каби китоблар ҳам ёзган. Унинг тажрибаси халқаро миқёсда тан олинди, Шароф Рашидов, Фидель Кастро, Юрий Гагарин каби даврнинг кўплаб таниқли арбоблари у бошқарган хўжаликка ташриф буюришган.

Бугунги кунда тумандаги маданий маркази вакиллари, маҳаллий аҳоли ҳамда талаба-ёшлар иштирок этишди. Таъкидланганидек, Ким Пен Хва 1937 йилдан 1974 йилгача "Полярная звезда" колхозига раҳбарлик қилган ва пахта, шоли, каноп ҳамда бошқа экинлардан юкори ҳосил олишда катта ютуқларга эришган. У "Пахтадан мўл ҳосил етиштириш тажрибаси", "Маъмурчилик йўлида" каби китоблар ҳам ёзган. Унинг тажрибаси халқаро миқёсда тан олинди, Шароф Рашидов, Фидель Кастро, Юрий Гагарин каби даврнинг кўплаб таниқли арбоблари у бошқарган хўжаликка ташриф буюришган.

халлалардан бирига Ким Пен Хва номи берилган бўлиб, у ерда унинг ҳаёти ва фаолиятини ёритувчи музей ҳам ташкил этилган. Музейдан унинг бронза бюсти, ҳаётига оид турли экспонат ва фотосуратлар жой олган. — Бу инсон худуд ривожига катта ҳисса қўшиб, халқимиз орасида ҳурмат қозонган, — дейди ННТ миллий ассоциацияси вилоят бўлинимаси раҳбари Иброҳим Холматов. — Музейдаги суратларда ўша даврдаги миллатлараро ҳамжиҳатлик, биргаликда нишонланган байрам ва тадбирлар акс этган. Бу аънана бугунги кунда ҳам давом этиб, вилоятимиздаги 30 дан ортиқ миллий маданий марказлар ўзаро дўстлиқни мустаҳкамлаб келмоқда. Тадбир якунида иштирокчилар Ким Пен Хванинг бюсти пойига гуллар қўйиб, хотирасига ҳурмат бажо келтиришди. **Нигора УРОЛОВА, "Ташкент ҳақиқати" мухбири**

масъуллари, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси вилоят бўлинимаси, корейс миллий

▼ Шанба сабоқлари

Нуқул ҳаволар исиб, ҳамма ўзига салқин жой ахтариб қолганда шу воқеа эсга келади.

Машинага пул йиғаётгандим. Рўзгордан, харажатлардан ортганини долларга айлан-тириб кўярдим. Анчагина йиғилиб ҳам қолганди.

Мана шундай ёзининг чилласи, ҳаволар яна исиб кетди. Ойим иссиққа чидамсизлар. Қон босими бор одамларга иссиқ салбий таъсир қилишини биласиз. Қўлларидан ёлғич тушмайди, ёзининг чилласини вентилятор рўпарасидан жилмай ўтказадилар. Биз ҳар сафар ёзга яқин кондиционер оламиз, деб ният қилар, турли сабаблар билан бу кечкиб, ёзининг ярмига келганда, "Ҳа энди ёз ўтди, оз қолди, келаси йили олармиз", деб шу билан қилиб кетарди. Баъзида ойим: "Кондиционерга қачон етарканман-а", деб ярим ҳазил билан нолиб ҳам кўярдилар.

Хуллас, бир куни иссиқлар жондан ўтиб, анови пулдан озгинасини бузиб, кондиционер олишни ният қилдим. Биламан, агар ойимга айтсам, "Қўй, майли, иссиқ ҳам пайсаиб қолар, ёзининг ярми ўтди-ку, пулингни бузма, шартмас", деб қайтардилар деб, айтмадим. Сюрприз қилмоқчи бўлдим. Сотиб олиб, ҳаммасини ҳал қилиб, ўрнатиладиган куни: "Ая, бугун кондиционер олиб келаман, залга ўрнатамиз", дедим. Биласизми, мен кутган "реакция" бўлма-

ди. Яъни, ойим ҳар доимгидек: "Вой, болам-ей, бекор овора бўлибсан, мана ёзининг ҳам деярли ярми ўтувди", десалар керак деб ўйловдим. Аммо ойим: "Вой, Худога шукр-е, ўғлим. Бу иссиқ жуда қийнаб юборувди", деб, "раҳмат" айтиб, елкамга қоқиб кўйдилар.

Демак... Демак, ойим кондиционер олишимни жуда ва жуда хоҳлаганлар, лекин менга, ўғилларига айтишга истиҳоло қилганлар. Мени пулимни аяганлар...

Ибн Муборак раҳимахуллоқ айтидилар: "Агар ота-онанг сен билан мураса қилишни бошласан ва сенга гапирётганда безовталанишинг, жаҳлинг чиқши ва балки ўша гап ёқмаслигиндан кўрқиб, эҳтиёткорлик билан сўзларни саралаб гапирини бошласан (ёки умуман айттолмасан...) демак сен ота-онангга оқ бўлаётганингни билиб қўй!"

Ўткир Ҳошимов "Дунёнинг ишлари" романида жуда кўп ҳаётий воқеаларни айтади ва афсуснамо фикрлар келтиради. Кўпчилигимиз ўша фикрларни ўқиганимизда муаллифга ачинамиз, бизга сезилмайди — ўзимизни ота-онанимизга жуда қадрлайдиган, меҳрибон фарзанд, деб ўйлаймиз. Аммо шубҳасиз, келажакдаги, биз келишини истамайдиган бирор кундан туриб, бугунимизга қараганимизда жуда кўп мана шундай воқеаларни топса керак... **Соҳиб ҲАКИМОВ**

КОНДИЦИОНЕР



TOSHKENT HAQIQATI TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:

TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI



"Toshkent haqiqati" va "Tashkentskaya pravda" gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV (tahrir hay'ati raisi)

Abdusamad NOSIROV

Ummat MIRZAQULOV

Hotamjon SAYDAHMEDOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Sayyora FAYZIYEVA

Tohir ARIPOV

Mahmud TOIR

Azamir MIRZAYEV

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Shahboz NIZOMIDDINOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Behzod QOBULOV

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:

G'ayrat SHERALIYEV

Qabulxon: (55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:

(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:

(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:

(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:

(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@uamail.uz

Mas'ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Navbatchi:

To'xtamurod HANABOYEV

Ekspeditor:

Behruz NURBOBOYEV

Bosishga topshirish vaqti - 21.00.

Bosishga topshirildi - 18.00.

Nashr ko'rsatkichi - 205.

Buyurtma G-835.

2 743 nusxada chop etildi.

Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Manzil:

111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida teriladi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.

Korxonaning manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.